

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI

QARSHI MUHANDISLIK IQTISODIYOT INSTITUTI

“IQTISODIYOT” FAKULTETI

“BUXGALTERIYA HISOBI VA AUDIT” KAFEDRASI

«HIMOYAGA TAVSIYA ETILADI»
«BH va Audit» kafedrası mudiri v.b.
dots. R.Omonov
« 16 » 06 2014 yil



Bozor iqtisodiyoti sharoitida mahsulotlarni sotish va moliyaviy natijalar
hisobini yuritish tartibi
(Mirishkor tuman “Pomuq” ishlab chiqarish savdo firmasi misolida)
mavzusidagi

BITIRUV MALAKAVIY ISHI

BAJARDI: «BH va Audit» ta'lim
yo'nalishi bitiruvchisi IV kurs B-466 guruh
talabasi Sultanov Yashinbek
O'ktamovich

ILMIY RAHBAR:
“BH va A” kafedrası katta o'qituvchisi
Jalilov R.

Bitiruv malakaviy ishi kafedrada dastlabki himoyadan o'tdi
16 sonli bayonnoma « 16 » 06 2014 y.

QARSHI – 2014 yil

“BH va AUDIT” KAFEDRASı
« 18 » 06 2014 y.
№ 46

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

“БХваА” кафедраси мудири
доц. С.Эгамбердиева

“ 14 ” 01 2014 йил

**МАВЗУ: БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА МАҲСУЛОТЛАРНИ СОТИШ ВА
МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**
(Миришкор тумани “Помук” ишлаб чиқариш савдо фирмаси мисолида)

КИРИШ.

**I-боб. ХЎЖАЛИК СУБЪЕКТЛАРИДА МАҲСУЛОТЛАРНИ СОТИШ ВА
МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.**

1.1.Хўжалик субъектларида тайёр маҳсулотлар ва уларнинг сотилишини
ҳисобга олишнинг вазифалари.

1.2.Маҳсулотлар сотилиши билан боғлиқ бўлган давр харажатларини ҳисобга
олиш тартиби.

1.3.Хўжалик субъектларида молиявий натижаларни тўғри аниқлашнинг
аҳамияти ҳамда уларни ҳисобга олиш зарурияти.

**II-боб. “ПОМУҚ” ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САВДО ФИРМАСИДА МАҲСУЛОТЛАРНИ
СОТИШ ҲАМДА МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШ ҲОЛАТИ.**

2.1. “Помук” ишлаб чиқариш савдо фирмасида товар маҳсулотларни омбор,
ҳисобини юритилишини хужжатлаштириш.

2.2.“Помук” ишлаб чиқариш савдо фирмасида маҳсулотларни сотиш
ҳисобга олиш.

2.3.“Помук” ишлаб чиқариш савдо фирмасида молиявий натижалар
аниқлашни ҳисобга олиш ҳамда уларни молиявий ҳисоботларда акс эттириш
тартиби.

**III-боб. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА МАҲСУЛОТЛАРНИ СОТИШ
МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.**

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

ИЛОВАЛАР.

Битирув малакавий иш раҳбари

Б-466 гуруҳ талабаси

Р.Жалилов

Я.Султонов

MUNDARIJA

KIRISH.....	3
I-bob. XO'JALIK SUB'EKTLARIDA MAHSULOTLARNI SOTISH VA MOLIVAVIY NATIJALARNI HISOBGA OLISHNING NAZARIY ASOSLARI.....	10
1.1. Xo'jalik sub'ektlarida tayyor mahsulotlar va ularning sotilishini hisobga olishning vazifalari.....	10
1.2. Mahsulotlar sotilishi bilan bog'liq bo'lgan davr xarajatlarinin hisobga olish tartibi.	20
1.3. . Xo'jalik sub'ektlarida molivaviy natijalarni to'g'ri aniqlashning ahamiyati hamda ularni hisobga olish zaruriyati.	31
II-bob. "POMUQ" ISHLAB CHIQARISH SAVDO FIRMASIDA MAHSULOTLARNI SOTISH HAMDA MOLIVAVIY NATIJALARNI HISOBGA OLISH HOLATI.....	51
2.1. "Pomuq" ishlab chiqarish savdo firmasida tovar mahsulotlarni omborda hisobini yuritilishini hujjatlashtirish.	51
2.2. "Pomuq" ishlab chiqarish savdo firmasida mahsulotlarni sotishni hisobga olish.	56
2.3. "Pomuq" ishlab chiqarish savdo firmasida molivaviy natijalarni aniqlashni hisobga olish hamda ularni molivaviy hisobotlarda aks ettirish tartibi.	69
III-bob. BOZOR IQTISODIYOTI SHAROITIDA MAHSULOTLARNI SOTISH VA MOLIVAVIY NATIJALAR HISOBINI TAKOMILLASHTIRISH.....	74
XULOSA VA TAKLIFLAR.....	83
FAYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI.....	90
ILOVALAR.....	100

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги: Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўз фаолиятини амалга оширишда маълум бир даражадаги молиявий фаолиятни амалга оширадилар. Ушбу соҳа фаолият турларини тўғри ташкил этиш, корхоналарнинг маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг сотилиши ҳисоби, молиявий натижалар таҳлили ҳамда уларнинг фойдалилигини ошириш йўллари бугунги кунда энг долзарб масалалардан бири сифатида кўзга ташланади.

Жаҳонда юз бериб турган молиявий-иқтисодий инқироз шароитида ҳар бир корхона ўзининг молиявий фаолиятини тўғри ташкил этиши, тадбиркорлик фаолияти ривожлантиришида олиб борилаётган ислохотларнинг изчил амалга оширилаётгани, ушбу глобал инқироздан чиқиш омили сифатида қарашимиз мумкин.

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботларни тўғри ва ишончли тарзда тузиш давлат бюджети даромадларининг шаклланишида муҳим аҳамиятга эга бўлиб ҳисобланади. Бу борада Президентимизнинг фикр- мулоҳазалари диққатга сазовордир: «Бугунги кунда мамлакатимизни, аввало, иқтисодиётимизни ислоҳ этиш, эркинлаштириш ва модернизация қилиш, унинг таркибий тузилишини диверсификация қилиш борасида амалга оширилаётган, ҳар томонлама асосли ва чуқур ўйланган сиёсат бизни инқирозлар ва бошқа таҳдидларнинг салбий таъсиридан ҳимоя қиладиган кучли тўсиқ, айтиш мумкинки, мустаҳкам ва ишончли ҳимоя воситасини яратди»¹.

¹Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. -Т.: «Ўзбекистон» 2009. 31-б.

Юқоридаги президентимизнинг фикрларидан келиб чиққан ҳолда айтишимиз мумкинки, ҳар бир ҳудудда фаолият юритаётган хўжалий юритувчи субъектлар фаолияти ҳудуднинг ривожланишида, аҳолининг турмуш фаровонлигининг ошишига хизмат қилади.

Муаммони ўрганганлик даражаси: рақобатли бозор муносабатларини чуқурлашуви шароитида маҳсулотларни сотиш ва молиявий натижалар ҳисобини такомиллаштириш йўллари бўйича бир қатор олимлар томонидан илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Жумладан, П.С.Безруких, И.Т.Балабонов, П.И.Вахрин, З.В.Кирьянова, Лука Пачоли, О.Николаева, В.Палийларнинг илмий ишларида ёритиб берилган.

Республикаимиз олимларидан И.Т.Абдукаримов, Э.А.Акрамов, О.Бобожонов, С.В.Воҳидов, Р.Д.Дусмуратов, Х.Н.Мусаев, Ю.М.Иткин, А.С.Шамшетов ва бошқаларнинг илмий тадқиқот ишларида қайд этиб ўтилган.

Шунга қарамасдан, маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг сотилиши ҳисоби, молиявий натижалар таҳлили ҳамда уларнинг фойдалилигини ошириш йўлларига бағишлаб махсус тадқиқот ишлари олиб олиб борилмаган. Бу эса биз танлаб олган мавзунинг долзарблигини янада оширади.

Битирув малакавий ишининг мақсади: бозор иқтисодиёти шароитида маҳсулотларни сотиш ва молиявий натижалар ҳисобини такомиллаштириш йўллари моҳиятини очиб бериш, мавжуд соҳадаги муаммоларни ёритиш, молиявий фаолиятини аниқлашни такомиллаштириш борасида фикрларни билдиришдан иборат.

Бу мақсадга эришиш учун илмий изланишнинг олдида қуйидаги вазифалар қуйилди:

- Хўжалик субъектларида тайёр маҳсулотлар ва уларнинг сотилишини ҳисобга олишнинг вазифалари ёритиб бериш;
- Маҳсулотлар сотилиши билан боғлиқ бўлган давр харажатларини ҳисобга олиш тартиби очиб бериш;
- Хўжалик субъектларида молиявий натижаларни тўғри аниқлашнинг аҳамияти ҳамда уларни ҳисобга олиш заруриятининг аҳамиятини ёритиш;
- “Помук” ишлаб чиқариш савдо фирмасида товар маҳсулотларни омборда ҳисобини юритилишини ҳужжатлаштириш ни ёритиб бериш;
- “Помук” ишлаб чиқариш савдо фирмасида маҳсулотларни сотишни ҳисобга олиш ва бошқалар.

Илмий янгилик қуйидагилардан иборат:

- Давр харажатлари, асосий ишлаб чиқариш фаолияти бошқа даромадлари, молиявий фаолият харажатлари ва даромадларини ҳужжатли текшириш алгоритми амалиётида қўлланилиши тавсия қилинди;
- Корхонанинг савдо фаолиятига аралаш моллар савдосини йўлга қўйиш;
- Корхона ўз фаолиятига юк ташиш хизматини киритиши лозим.

Битирув малакавий ишининг объекти: *Миришкор тумани “Помук” ишлаб чиқариш савдо фирмасида маҳсулотларни сотиш ва молиявий натижалар ҳисобини такомиллаштириш йўллари ҳисобланади.*

Битирув малакавий ишининг назарий услубий асослари: Илмий изланишнинг назарий асосларини иқтисодий жараёнлар ва шу

жумладан хўжалик юритувчи субъектлар маҳсулотларни сотиш ва молиявий натижалар ҳисобини такомиллаштириш йўллари борасида олиб борилаётган илмий назарий асарлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган қонунлар, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан қабул қилинган қарор, фармон ва фармойишлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” асари ва бошқа асарлари, Молия вазирлиги ва бошқа юқори ташкилотларнинг меъёрий ҳужжатлари ташкил этади. Битирув малакавий ишини ёзишда *Миришкор тумани “Помуқ” ишлаб чиқариш савдо фирмаси* материалларидан фойдаланилди.

Битирув малакавий иш натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти: битирув малакавий ишида олдинга сурилган амалий характердаги таклиф ва мулоҳазалар қуйидагилардан иборат:

- ❖ хўжалик юритувчи субъектлар молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботни тузишда айрим мавжуд муаммоларни ҳал этишда ёрдам беради;
- ❖ Талабаларнинг ўқув жараёнини сифатли ташкил этишда амалий қўлланма сифатида хизмат қилади;
- ❖ Талабаларда мустақил фикрлаш қобилияти ва қарор қабул қилиш санъати ривожланади.

Битирув малакавий ишининг тўзилиши ва ҳажми: битирув малакавий иши кириш, учта боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

**МАВЗУ: БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА
МАҲСУЛОТЛАРНИ СОТИШ ВА МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР
ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

(Миришкор тумани “Помуқ” ишлаб чиқариш савдо фирмаси мисолида)

КИРИШ.

**I-боб. ХЎЖАЛИК СУБЪЕКТЛАРИДА МАҲСУЛОТЛАРНИ
СОТИШ ВА МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРНИ ҲИСОБГА
ОЛИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.**

1.1.Хўжалик субъектларида тайёр маҳсулотлар ва уларнинг сотилишини ҳисобга олишнинг вазифалари.

1.2.Маҳсулотлар сотилиши билан боғлиқ бўлган давр харажатларини ҳисобга олиш тартиби.

1.3.Хўжалик субъектларида молиявий натижаларни тўғри аниқлашнинг аҳамияти ҳамда уларни ҳисобга олиш зарурияти.

**II-боб. “ПОМУҚ” ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САВДО ФИРМАСИДА
МАҲСУЛОТЛАРНИ СОТИШ ҲАМДА МОЛИЯВИЙ
НАТИЖАЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШ ҲОЛАТИ.**

2.1. “Помуқ” ишлаб чиқариш савдо фирмасида товар маҳсулотларни омборда ҳисобини юритилишини ҳужжатлаштириш.

2.2.“Помуқ” ишлаб чиқариш савдо фирмасида маҳсулотларни сотишни ҳисобга олиш.

2.3.“Помуқ” ишлаб чиқариш савдо фирмасида молиявий натижаларни аниқлашни ҳисобга олиш ҳамда уларни молиявий ҳисоботларда акс эттириш тартиби.

**III-боб. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА
МАҲСУЛОТЛАРНИ СОТИШ ВА МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР
ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.**

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

ИЛОВАЛАР.

I-бoб. ХЎЖАЛИК СУБЪЕКТЛАРИДА МАҲСУЛОТЛАРНИ СОТИШ ВА МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.

Тайёр маҳсулот деб барча ишлов операцияларидан ўтиб тайёр ҳолга келтирилган, белгиланган давлат стандартлари ёки техник талабларига жавоб берадиган, корхона техник назорати ходими томонидан қабул қилинган маҳсулотга айтилади. ишлаб чиқариш харажатлари маҳсулот ишлаб чиқаришни тайёрлашдан бошлаб уни тайёр маҳсулот ҳолида омборга қабул қилингунгача бўлган харажатлар йигиндисидан иборат бўлади ва улар маҳсулот ишлаб чиқариш технологияси ва ишлаб чиқаришнинг хусусиятига қараб ҳар хил бўлади.

Ҳозирги даврда, яъни бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик юритувчи субъектлар асосан тузилган шартномалар (буюртма папкаси) ва бозор талабини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиб маҳсулот ишлаб чиқариш, уларнинг турлари ва ҳажмини белгилайдилар. Бунинг учун эса йирик компания, концерн ва фирмаларнинг таркибида маркетинг бўлимлари ташкил қилиниб улар фақатгина бозорнинг талаби ва таклифни ўрганиш, яъни зарур, тез сотиладиган маҳсулотларнинг турларини ва уларга бўлган талабни ўрганиш билан шугулланадилар. Бошқарув раҳбариятига тегишли таклифларни бериб ушбу хулосалар у ёки бу маҳсулотларни ишлаб чиқариш, уларнинг сифати ва ҳажми юзасидан қарорлар қабул қилишда асосий урин тутди.

Ҳозирги даврда субъектнинг ривожланиши ва барқарорлигида маҳсулотларни олдиндан тузилган шартномага асосан ишлаб чиқариш

ва сотиш муҳим урин тутади. Ушбу тартиб субъект фаолиятининг иктисодий кўрсаткичини белгилашда ва хўжалик фаолиятининг самарадорлигини белгилаш ва белгиланган иақсадга мувофиқлигини исботлашда асосий кўрсаткичлар мажмуаси ҳисобланади.

Субъектнинг маҳсулотни сотиш ҳажми кўрсаткичини аниқлашда унга кийматининг келиб тушишидан катъий назар сотилган ва жўнатилган маҳсулотлар, бажарилган ишлари ва курсатган хизматларининг умумий суммасидан фойдаланадилар.

Тайёр маҳсулотлар, иш ва хизматлар субъектнинг маблағлари каторида ҳисоблангани учун ушбу жараён хўжалик фаолиятининг охириги боскичи ҳисобланади ва хўжаликка тегишли маблағларнинг доиравий айланишини таъминлайди. Ушбу жараён натижасида тайёр маҳсулотлар ишлаб чикилади, улар, ишлар ва хизматлар истеъмолчиларга етқазиб берилади ва субъектга пул маблағлари шаклида ёки алмашув натижасида бошқа моддий ресурслар келиб тушади. Натижада давлат олдидаги бюджетга тўланадиган солиқ мажбуриятлари, бошқа мажбурий тўловлар бўйича мажбуриятлар, мол етқазиб берувчиларга, банкларга, ишчи ва хизматчиларга ва бошқа субъектларга булган қарз мажбуриятларини ўз вақтида тўлаш имкониятини яратадилар. Тайёр маҳсулотларни сотиш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш бўйича белгиланган режаларни бажармаслик эса салбий натижаларга олиб келади. Субъектнинг айланма маблағларининг доиравий айланишини секинлаштиради, истеъмолчилар олдидаги мажбуриятларни бажара олмаслиги натижасида жарималар тўлашга олиб келади, бошқа тўловларни (солиқ, ажратмалар, меҳнат ҳақи ва бошқалар) уз вақтида тулай олмасликка,

умуман олганда субъектнинг молиявий ҳолатининг пасайишига олиб келади.

Субъектлар маҳсулотни сотиш, ишларни бажариш ва хизматларни кўрсатиш режаларини тузаётганда ушбу фаолият натижасида олинадиган (кутилаётган) фойда хажмини ҳам белгилайдилар. Чунки шартномада келишилган баҳо курсатилганда унинг таркибига маҳсулотнинг таннарҳи ва солиқлардан ташқари тегишли миқдорда фойда суммаси ҳам кушилади. Бу суммани шартномада курсатилган тайёр маҳсулотларнинг миқдorigа уларга кушилган фойда суммаси кушилса умумий кутилаётган фойда хажми аникланади. Ушбу кутилаётган фойда суммаси асосида тўланадиган бынакларнинг миқдори- бюджетга солиқ бўйича тўланадиган сумма аникланади.

Олинган фойданинг ҳақиқий суммаси эса белгиланган тартибда, асосан ойнинг ва йилнинг охирида аникланади- сотилган маҳсулотлар, бажарилган ишлар ва курсатилган хизматларнинг келишилган сотиш баҳоси билан уларнинг тулик ҳақиқий таннарҳи (ишлаб чиқариш таннарҳи ва уларни сотиш билан боғлиқ сарфлар) уртасидаги фарк суммасидан кушилган киймат ва акциз солиқларини чегирилган ҳолдаги фарк суммаси ҳисобланади.

Тайёр маҳсулотнинг омбордаги ҳисоби тезкор бухгалтерия усули бўйича ташкил килинади, яъни ҳар бир маҳсулот номенклатура рақамига омбор материаллари ҳисоби карточкаси очилади (М-17 шакли). Тайёр маҳсулотнинг келиб тушиши ва четга берилиши биланок, омбор ходими ҳужжатлар асосида уларнинг сонини карточкаларга ёзиб қўяди ва ҳар бир ёзувдан кейин қолдиқ ҳисоблаб қўйилади. Бухгалтер ҳар куни тугаган сутка учун ёки белгиланган график бўйича омбордан ҳужжатларни қабул қилиб олиши керак (қабул

килиш-топшириш юкхати, товар-транспорт юкхатлари). Омбор ҳисобининг тугри юритилганлиги омбор ҳисоби карточкаси асосида ҳар ойда тайёр маҳсулотнинг номенклатураси, улчов бирлиги, миқдорига асосланган ҳолда тайёр маҳсулотнинг қолдиқ ҳисоби баҳолари бўйича қолдиқлар аникланади.

Маҳсулотнинг кими ва чиқиб кетиши билан боғлиқ муомалалар расмийлаштирилган дастлабки ҳужжатлар омбор варакаларига ёзилгандан сўнг бухгалтерияга топширилади. Бу ерда ҳужжатлар текширилади, гуруҳланади ва улар асосида тегишли ҳисоб регистрлари тузилади. Тайёр маҳсулот ҳаракатининг пул курунишда ифодаланган ҳисоби бухгалтерияда омбор мудирининг ҳисоботи маълумотлари асосида юритилади.

Харажатларнинг салмоғи ишлаб чиқарилган маҳсулот таннарҳига, таннарх эса корхонанинг даромадига таъсир қилади. Шу сабабли уларни тугри ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга. Шу нуксадда харажатларнинг таркиби ва турларини билиш зарур.

Ҳозирги вақтда республикамизнинг ҳамма корхоналарида, шу жумладан, саноати корхоналарида уларнинг фаолиятини ҳисобга олувчи асосий ҳужжат -"Маҳсулот (иш, хизмат) таннарҳига кушиладиган, уни ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ бўлган харажатларнинг таркиби ва молиявий натижаларни шакллантириш тартиби ҳақидаги" Низом ҳисобланади.

Саноат корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқаришда катнашадиган харажатларни гуруҳларга тугри ва аниқ бўлиш бухгалтерия ҳисоби маълумотларининг сифатини оширади. Маҳсулот ишлаб чиқариш

харажатлари уз навбатида бир неча курсаткичлари бўйича гурухларга ажратилади.

Корхоналарда харажатлар ишлаб чиқариш харажатлари, давр харажатлари, молиявий фаолият харажатлари ва фавкулудда (кузда кутилмаган) харажатларга булинади.

Ишлаб чиқариш харажатлари уз вазифасига караб элементлари ва калькуляция моддаларига булинади. Элементлари бўйича гурухлаш ишлаб чиқариш харажатларини уларнинг иктисодий маъзмунига кура аниклаш ва тегишли сметалар тузиш учун хизмат килади. Калькуляция моддалари бўйича гурухлаш эса маҳсулот таннарҳини ҳисоблаш учун керак булади.

Корхоналарда харажатлар ишлаб чиқаришда катнашишига караб ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқаришдан ташқари харажатларга булинади. Ишлаб чиқариш харажатларига бевосита маҳсулотни тайёрлаш ва кайта ишлаш билан боглик харажатлар, ишлаб чиқаришдан ташқари харажатларга эса маданий-маиший объектлар харажатлари киради.

Корхоналарда маҳсулот таннарҳига кушилишига караб харажатлар тугри ва эгри харажатларга булиниб, тугри харажатларга маҳсулотни тайёрлаш ва кайта ишлаш билан бевосита боглик булган материал, иш ҳақи ва бошка харажатлар киради. Эгри харажатларга эса маҳсулот ишлаб чиқариш билан бевосита боглик булмаган харажатлар, масалан, цех бошқарув харажатлари, асбоб-ускуналарни саклаш ва фойдаланиш харажатлари ва бошкалар киради.

Маҳсулот ишлаб чиқариш хажмига нисбатан узгаришига караб харажатлар узгарувчан ва доимий харажатларга булинади. Узгарувчан харажатларга микдори маҳсулот ишлаб чиқариш хажмининг узгариши билан узгарадиган харажатлар, масалан, хом ашё, технологик иақсадлар

учун мулжалланган ёкилги, энергия ва бошқалар киради. Доимий харажатларга эса миқдори маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми узгариши билан узгармайдиган харажатлар киради. Унга бошқарув ходимларининг иш ҳақи, бошқарув биноларини сақлаш харажатлари ва бошқаларни мисол килиб келтириш мумкин.

Корхоналарнинг узига хос хусусиятига кура харажатлар тайёрлов ва қайта ишлаш харажатларига бўлинади. Тайёрлов харажатларига ҳам ашёни сотиб олиш, сақлаш, жунатиш ва бошқа харажатлар кирса, қайта ишлаш харажатларига эса маҳсулотни қайта ишлаб маҳсулотлар олиш билан боғлиқ харажатлар киради.

Юқорида таъкидланганлар бухгалтерия ҳисоби тизимида харажатлар турли хил йуналишдаги иқсадлар учун гуруҳланишидан далолат беради. Бу нарсани амалиётда кенг жорий этиш бошқарувчиларга ишлаб чиқаришни бошқариш борасида асосланган қарорларини қабул қилиш имконини беради.

Ишлаб чиқариш ва давр харажатларининг ажратилиши моддий ишлаб чиқариш захиралари қолдиқлари қийматини аниқлаш учун зарур бўлиб, давр харажатлари тегишли бўлган ҳисобот даврида ҳисобдан чиқарилади ва сотилмаган маҳсулот, тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдигида келгуси даврларга утқазилмайди. Бу нарса корхонада баҳо сиёсати соҳасида асосланган қарорларни қабул қилишда муҳим аҳамиятга эгадир. Бундан ташқари ишлаб чиқариш таннаҳи ва давр харажатларининг алоҳида ажратиш курсатилиши: а) корхонанинг ишлаб чиқариш фаолияти; б) маъмурий ва ишлаб чиқаришдан ташқари фаолияти охириги натижага қандай таъсир қурсатганлигини баҳолаш имконини беради.

Корхоналарида, юкорида берилган элементлардан ташқари, харажатларнинг моддалари бўйича ҳам ҳисоб юритиш муҳим аҳамиятга эга.

Харажатларни калькуляция моддалари бўйича ҳисобга олиш, у ёки бу харажат тури қандай иқсадларга сарфланаётганлигини билиш, маҳсулотнинг айрим турлари таннарҳини калькуляция қилиш имконини беради.

Маҳсулот сотишдан олинган ялпи фойда (қурилган зарар) кўрсаткичи хўжалик юритувчи субъектнинг маҳсулот (иш, хизмат) кўрсатиши билан фаолиятига баҳо бериш, уни ўрганишга ёрдам беради. Ушбу кўрсаткични таҳлил этиш орқали, корхонанинг ҳисобот давридаги ва келгусидаги молиявий фаолиятига баҳо берилади. Мазкур молиявий кўрсаткич яъни маҳсулот сотишдан олинган фойда молиявий ҳисобот №2 шакли бўйича “Молиявий натижалар тугрисидаги ҳисоботда” келтирилади.

Маҳсулот (иш, хизмат) сотишдан олинган фойда, сотишдан олинган соф тушум ва ушбу маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннарҳи сифатида аниқланиб, корхонанинг маҳсулотни ишлаб чиқариш таннарҳини имконият даражасида камайтириш ички ва ташқи омилларини излаш, топиш, ҳамда уларни корхона хўжалик фаолиятига тадбиқ этиш заруриятини юзага келтирилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида бозор, харидор талабини чуқур ўрганиш билан бирга, бозорни ҳар томонлама маркетингини ҳам ўрганиш, ўтқозиш лозим. Айтайлик, бозорнинг факат талаби ўрганилиб шу талабдан келиб чиқиб, таклиф сифатида маҳсулот (иш, хизмат)

ишлаб чиқишди. Аммо худди шу таклиф билан бошқа хўжалик юритувчи субъектлар ҳам бозорга чиқишлари мумкин.

Молиявий натижалар кўрсаткичларининг яна бири-асосий фаолиятдан курилган фойда булиб, унга давр харажатлари, ҳамда асосий фаолиятдан курилган бошқа заралар салбий таъсир курсатса, асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар ижобий таъсир курсатади.

Хўжалик юритувчи субъектнинг давр харажатлари (асосан маъмурий бошқарув харажатлари) қай микдорда, асосий ишлаб чиқариш фаолиятидан олинган бошқа даромадлар, ҳамда курилган заралар билан боғлиқ кўрсаткичлар қанча микдорга тенглиги ҳақида маълумотлар олинади.

Бизга маълумки, давр харажатлари уч қисмга булинади:

1. Сотиш харажатлари;
2. Маъмурий харажатлар;
3. Бошқа операцион харажатлар.

Асосий фаолиятдан олиннадиган бошқа даромадлар қуйдагилар сифатида намоён булади:

-турли жарима, пеня, ҳамда етказилган зарарларни қондириш бўйича олинган даромадлар;

-ўтган йиллардаги, аммо ҳисобот йилида аниқланган фойда;

-асосий фонд ва бошқа мол-мулкларини сотишдан олинган даромадлар;

-товар моддий бойликлари (ТМБ) ларини қайта баҳолаш;

-давлат субсидиялари сифатида олинган даромадларни солиққа тортишда ялпи даромадга киритилмайди;

-беғараз ёрдам сифатида олинган даромадлар;

-бошқа операцион даромадлар.

Умумхўжалик фаолиятидан олинган фойдага нафакат асосий фаолиятдан олинган фойда, балки молиявий фаолиятдан олинган фойда, шунингдек молиявий фаолият харажатлари ҳам таъсир курсатади. Табиийки молиявийфаолиятдан олинган даромад умумхўжаликдан олинган фойдага ижобий таъсир курсатса, ушбу фаолиятдан харажатлар эса, салбий таъсир курсатади,

Молиявий фаолиятдан олинган даромадларга куйдагилар мисол булади:

-Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида фаолият юритувчи бошқа хўжалик юритувчи субъектларга улуш кушишдан олинган даромадлар, кимматли коғозлар бўйича даромадлар;

-олинган роялтилар;

-узок муддатли ижарага беришдан олинган даромадлар;

-хорижий валюта билан боглик операциялар билан боглик курс ижобий фарклари;

-молиявий инвестиция маблағларини кайта баҳолашдан олинган даромадлар.

Молиявий фаолият билан боглик харажатлар эса, куйдагилар сифатида намоён булади:

-кредитлар, қарзлар юзасидан тўловлар;

-узок муддатли ижарага оид фоизларни тўлаш харажатлари;

-чет эл валютаси билан боглик операциялар бўйича салбий курс фарклари;

-сарфланган маблағларни кайта баҳолашдан курилган зарарлар;

-хўжалик юритувчи субъектларнинг уз кимматли коғозларини чиқариш, ҳамда таркатиш билан боглик харажатлар.

Молиявий натижалар кўрсаткичларидан яна бири солиқ тулагунча фойда булиб, унга умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда, ҳамда фавкулодда вазиятлардан олинган фойда ижобий таъсир курсатса, фавкулодда зарарлар эса салбий таъсир курсатади.

Соф фойда-молиявий натижа кўрсаткичининг мохияти шундаки, мазкур кўрсаткич хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисобот даври фаолиятига тулик баҳо бериш имкониятини яратади.

Корхоналар фаолияти молиявий натижасини характерловчи синтетик кўрсаткич булиб, баланс (ялпи) фойда ва зарарлар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 1 январдаги ва унга узгартиришлар билан қабул қилинган 1999 йил 5 февралдаги 54- ва 2003 йил 25 декабрдаги 567- сонли “Маҳсулотлар (иш, хизмат) ишлаб чиқариш ва сотилиши бўйича харажатлар таркиби ва молиявий натижаларнинг таркиб топиши тугрисида”ги Низом ишлаб чиқилган булиб, ушбу низомнинг аҳамияти ва мохияти бекиёсдир. Унинг аҳамияти қуйдагиларда қуринади, яъни солиққа тортиладиган фойда билан бухгалтерия ҳисоби счётларида олинadиган фойда уртасидаги фаркни, ҳамда манфаатдор фойдаланувчиларни қарор қабул қилишлари учун молиявий ҳисобни фойдалилигини мазмунан оширади.

Харажатлар тугрисидаги Низом, корхоналарга бир томондан ҳисобот даврида ишлаб чиқариш харажатлари ва қорхонани, ҳамда унинг бўлимларини олган даромадлари ҳақидаги маълумотларни уз вақтида ва тугри акс эттиришга, иккинчи томондан, солиқ ташкилотларига қорхона бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида давлат солиқ қонунчилигига асосан ҳисобот тузишга имкониятни яратади.

Корхона уз хўжалик фаолияти самарадорлигини аниклаш ва келгуси даврлар учун тегишли бошқарув қарорларини қабул қилишга имкон берувчи ҳисобот давридаги барча харажатлар ва даромадларни ҳисоблаши учун маълумотларни йиғиш вақайта ишлаш тизимига эга бўлмоғи керак. Корхона бу ҳисоб китобларни солиқ омилини ҳисобисиз бажаради. Корхона баланс фойдасини аниклаш учун умумий тушумдан олиниши керак бўлган харажатлар моддалари тулик руйхати харажатлар тугрисидаги Низомда келтирилган.

II-боб. “ПОМУҚ” ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САВДО ФИРМАСИДА МАҲСУЛОТЛАРНИ СОТИШ ҲАМДА МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШ ҲОЛАТИ.

Умуман олганда, **Mirishkor tumani “Pomuq” ishlab chiqarish savdo firmasining** ўтган 2011-2013 йиллардаги молиявий ҳолатига назар ташласак, унинг барқарор тарзда доимий рентабелликка эришиб келганлигини, активларининг ликвидлигини биз қуйидаги жадваллар маълумотларига асосан кузатишимиз мумкин.

-jadval

Mirishkor tumani “Pomuq” ishlab chiqarish savdo firmasining 2011-2013 moliya yilida balansdagi o'zgarishlar holati tahlili²

(ming so'm
hisobida)

Ko'rsatkichlar	2011	2012	2013	O'zgarish (2012-	Salmog'i %
----------------	------	------	------	---------------------	---------------

² Mirishkor tumani “Pomuq” ishlab chiqarish savdo firmasining hisobot materiallari asosida bitiruvchi tomonidan ishlab chiqildi

				2013)	
Balans aktiv tomoni					
Uzoq muddatli aktivlar	19666	7190	84690	77500	91,5
Joriy aktivlar	98765	160397	155594	-4803	-3,1
JAMI AKTIVLAR	118431	167587	240284	72697	30,3
Balans passiv tomoni					
O'z mablag'lari					
manbalari	72302	84381	108278	23897	22,1
Majburiyatlar	46129	83206	132006	48800	37,0
JAMI PASSIVLAR	118431	167587	240284	72697	30,3

-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, **Mirishkor tumani “Pomuq” ishlab chiqarish savdo firmasi** 2012-2013 йилларда жами активлари миқдори 167587 минг сўмдан 240284 минг сўм миқдорига ўзгариш содир бўлган, бу ўтган йилларга нисбатан 30,3 фоизга ёки 72697 минг сўм миқдорига купайган. Бу ҳолатнинг юзага келиш сабаби сифатида узоқ муддатли активлар миқдорининг купайиб кетганлигини (ўтган йилга нисбатан 91,5 фоизга ортган) айтиш мумкин. Ушбу маблағларнинг ошиши ҳисобига ўз маблағларимиз манбалари 22,1 фоизга, мажбуриятларимиз ҳажми эса 37,0 фоизга ортган.

-jadval

Mirishkor tumani “Pomuq” ishlab chiqarish savdo firmasining 2011-2013 moliya yilida moliyaviy natijalari holati tahlili³

(ming so'm hisobida)

³ Mirishkor tumani “Pomuq” ishlab chiqarish savdo firmasining hisobot materiallari asosida bitiruvchi tomonidan ishlab chiqildi

Ko'rsatkichlar	2011	2012	2013	O'zgarish (2012-2013)	Salmog'i %
Mahsulot sotishdan tushgan tushum	310699	560770	663876	103106	118,4
Sotilgan mahsulot tannarxi	272654	497060	558188	61128	112,3
Mahsulot sotishdan olingan yalpi foyda	38045	63710	105688	41978	165,9
Davr xarajatlari	24264	25241	63107	37866	250,0
Asosiy faoliyat foydasi	13781	38469	42581	4112	110,7
Moliyaviy faoliyat daromadlari	0	0	25636	25636	
Moliyaviy faoliyat bo'yicha xarajatlar	0	0	0	0	
Umumxo'jalik faoliyatining foydasi	13781	38469	68217	29748	177,3
Daromad solig'i to'langunga qadar foyda	13781	38469	68217	29748	177,3
Daromad solig'i (yagona soliq to'lovi)	9304	15233	21084	5851	138,4
Hisobot davrining sof foydasi	4477	23236	47133	23897	202,8

Қуйидаги жадвал маълумотларидан кўринадик, корхонанинг ҳисобот даври соф фойдаси 2011 йилдагига қараганда ҳар йили узлуксиз равишда ортиб бораётганлигини кўришимиз мумкин.

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот 3 - миллий бухгалтерия ҳисоби стандарти «Молиявий натижалар тўғ-рисидаги ҳисобот»га биноан жорий бух-галтерия маълумотлари бўйича тузилади.

Ҳисоботнинг 010 - қатор 90 «Асосий (операцион) фаолиятдан олинган даромадлар» счётининг тегишли (9010 - 9030) субсчёт-ларидан олинади. Бу счётларнинг суммасидан 9050 - «Сотилган то-варларнинг қайтарилиши ва чегирмалар» счётининг суммаси чиқариб ташланади. 020 - қатор суммаси 9110 - «Сотилган тайёр маҳсулотлар таннархи» счётининг тегишли субсчётлари (9110 - 9130) дан олинади. 030 - қатор суммасини топиш учун 010 - қатор суммасидан 020 – қа-тор суммасини айириб ташлаш керак.

«Давр харажатлари ҳажми» моддасида (сатр 040) 050, 060, 070, 080),қаторларнинг умумий суммаси ёзилади.

«Сотиш бўйича харажатлар» моддаси бўйича (050 қатор) сотиш бўйича харажатлар акс эттирилиб, улар 9410 - «Сотиш бўйича хара-жатлар» счётидан олинади.

«Маъмурий харажатлар» моддаси бўйича (060 қатор) маълумот-лари 9420 - «Маъмурий харажатлар» счётига олинади.

«Бошқа операцион харажатлар» моддаси бўйича (070 қатор) маъ-лумотлар 9430 - «Бошқа маъмурий харажатлар» счётига олинади.

«Келгуси солиққа тортиладиган базадан чегириладиган ҳисобот даври харажатлари» моддаси бўйича (080 қатор) маълумотлар 9440 -

«Келгуси солиққа тортиладиган базадан чегириладиган ҳисобот дав-ри харажатлари» счётига олинади. «Асосий фаолиятдан олинган бош-қа даромадлар» моддаси бўйича (090 қатор) маълумотлар 9300 - «Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар» счётларига олина-ди.

«Асосий фаолиятнинг фойдаси (зарари)» моддаси бўйича (100 қатор) маълумотлар 030 - қатор суммасидан 040 - қатор суммасини айириб ташлаш 090 - қатор суммасини қўшиш йўли билан аниқ-ланади.

«Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар, жами» моддаси бўйича (110 қатор) маълумотлар 120, 130, 140, 150, 160 - қаторлар суммаларини қўшиш йўли билан топилади.

«Дивиденд шаклидаги даромадлар» моддаси бўйича (120 қатор) маълумотлар 9520 - «Дивидендлар кўринишидаги даромадлар» счёти-дан олинади.

«Фоизлар шаклидаги даромадлар» моддаси бўйича (130 қатор) маълумотлари 9530 «Фоизлар шаклидаги даромадлар» счётидан оли-нади.

«Узоқ муддатли ижара (молиявий лизинг)дан даромадлар» мод-даси бўйича (140 қатор) маълумотлари 9550 - «Узоқ муддатли ижара (молиявий лизинг)дан даромадлар» счётидан олинади.

«Валюта курси фарқидан даромадлар» моддаси бўйича (150 қа-тор) маълумотлари 9540 - «Валюталар курслари фарқларидан даро-мадлар» счётидан олинади.

«Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари» моддаси бўйича (160 қатор) маълумотлари 9510 - «Роятли кўринишидаги даромад-лар», 9560 - «Қимматли қоғозларни қайта баҳолашдан даромадлар», 9590 - «Молиявий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар» счётлари-дан олинади.

«Молиявий фаолият бўйича харажатлар» моддаси бўйича (170 қатор) маълумотлар 180, 190, 200, 210 - қаторларнинг жами акс эттирилади.

«Фоизлар шаклидаги харажатлар» моддаси бўйича (180 қатор) маълумотлари 9610 - «Фоизлар шаклидаги харажатлар» счётидан олинади.

«Узоқ муддатли ижара (молиявий лизинг)» моддаси бўйича (190 қатор) маълумотлар 9610 - «Фоизлар шаклидаги харажатлар» счётидан олинади.

«Валюта курси фарқидан зарарлар» моддаси бўйича (200 қатор) маълумотлар 9630 - «Валюта курси фарқидан зарарлар» счётига олинади.

«Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар» моддаси бўйича (210 қатор) маълумотлари 9630 - «Қимматли қоғозларни чиқариш ва тарқатиш бўйича харажатлар», 9690 - «Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар» счётларидан олинади.

«Умумхўжалик фаолиятининг фойдаси (зарари)» моддаси бўйича (220 қатор) 100 қатор суммасига 110 қатор суммасини қўшиб 170 қатор суммасини ташлангандан ҳосил бўлган сумма ёзилади.

«Фавқулоддаги фойда ва зарарлар» моддаси бўйича (230 қатор) даромади бўйича маълумотлар 9710-«Фавқулодда зарарлар» счётидан олинади.

«Даромад (фойда) солиғи тўлагунча қадар фойда (зарар)» моддасининг (240 қатор) маълумотлари 220-қатор суммасига 230-қатор суммасини (фойда бўлса) қўшиб, (зарар бўлса) чегириб ташлаш йўли билан топилади.

«Даромад (фойда) солиғи» моддаси бўйича (250 қатор) маълумотлар 9810-«Даромад (фойда) солиғи бўйича харажатлар» счётидан олинади.

«Фойдадан бошқа солиқлар ва йиғимлар» моддаси бўйича (260 қатор) корхона томонидан йил бошидан фойда ҳисобидан ҳисобланиб тўланган солиқ ва йиғимлар суммаси акс эттирилади.

«Ҳисобот даврининг соф фойда (зарари)» моддаси бўйича (270 қатор) маълумотлар 240 қатор суммасидан 250 ва 260 қаторлар суммаларини айириш йўли билан топилади.

Mirishkor tumani “Pomuq” ishlab chiqarish savdo firmasining 2011-2013 moliya yilida taqsimlanmagan foyda salmog’ining o’zgarishlar holati tahlili ⁴

-жадвал

минг сўм

ҳисобида

кўрсаткичлар	2011	2012	2013	ўзгариш (2011- 2013)	салмо ғи %
Тақсимланмаган фойда	4477	23236	47133	23897	50,7
Ўз маблағлари манбалари	42302	84381	108278	23897	22,1
тақсимланмаган фойданинг ўз	10,6	27,5	43,5		

⁴Mirishkor tumani “Pomuq” ishlab chiqarish savdo firmasining hisobot materiallari asosida bitiruvchi tomonidan ishlab chiqildi

маблағлари манбаларига нисбатан улуши, %					
жами пассив	118431	167587	240284	72697	30,3
Тақсимланмаган фойданинг жами активларга нисбатан улуши, %	3,8	13,9	19,6		

Жадвал маълумотларида акс эттирилишича жамиятнинг 2011-2013 йилларда тақсимланмаган фойда салмоғи ҳажми турлича тарзда бўлганлигини кузатиш мумкин. Бунга ишлаб чиқариш ҳажми, маҳсулот таннархи, янги технологияларни жалб этиш, ишчи ва хизматчиларнинг моддий манфаатдорликларининг ошиши, маҳсулот сифати, ишни тўғри ташкил этиш каби бир қатор омиллар таъсир кўрсатади. Ушбу таъсир этувчи омилларни ҳисобга олмаган ҳолда корхонанинг тақсимланмаган фойдасини таҳлил этишга уриниб кўрамиз. Жадвал маълумотларида келтирилишича, тақимланмаган фойда миқдори 2011 йилда 4477 минг сўм бўлгани ҳолда, ўз маблағлари манбасига нисбатан 10,6 фоиз ҳажмига, жами активларга нисбатан таққослаганда эса 3,8 фоизни ташкил қилган. 2013 йил бошида тақсимланмаган фойда миқдори 47133 минг сўмни ташкил этгани ҳолда, ўз маблағлари манбасининг 43,5 фоизига тенг, жами активларга нисбатан таққослаганда 19,6 фоиз миқдори даражасида бўлганлигини кўриш мумкин.

-jadval

Mirishkor tumani “Pomuq” ishlab chiqarish savdo firmasida taqsimlanmagan foyda dinamikasi va ular tarkibining o’zgarish hisob-kitobi⁵

YILLAR	Taqsimlanmagan foyda		Barcha aktivlar		Taqsimlanmagan foydaning barcha aktivlardagi ulushi, %
	Summasi, ming so'm	O'zgarish sur'ati, %	Summasi, ming so'm	O'zgarish sur'ati, %	
2011	4477	100,0	118431	100,0	3,8
2012	23236	519,0	167587	141,5	13,9
2013	47133	202,8	240284	143,4	19,6

Махсулот сифатини тухтовсиз яхшилаб бориш ишлаб чиқариладиган махсулотларнинг саноат корхоналари томонидан бир меъёردа ишлаб чиқарилишига боғлиқдир. Иш тажрибаси ҳамда таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, корхона томонидан ишлаб чиқарилаётган махсулотларнинг режада белгиланган графикдан четга чиқиши натижасида, корхонага хомашёларнинг уз вақтида келмаганлиги туфайли махсулот бир меъёрдa ишлаб чиқарилмайди. Хар ун кунликда бир ойда ишлаб чиқариладиган махсулотнинг 33,3 % ишлаб чиқарилиши зарур, лекин юқорида айтилган омилларнинг таъсири ҳисобига биринчи, иккинчи ун кунликда, жами бир ойда ишлаб чиқариладиган махсулот ҳажмининг 55-60 %, учинчи ун кунликда режани бажариш учун қолган 40-45 % махсулот ишлаб чиқарилишига ҳаракат қилинади. Натижада ишлаб чиқарилган махсулот сифатининг

⁵ Mirishkor tumani “Pomuq” ishlab chiqarish savdo firmasining hisobot materiallari asosida bitiruvchi tomonidan ishlab chiqildi

пасайишига олиб келади ва омборларда куплаб ишлаб чиқарилган маҳсулотлар туриб қолади.

Умуман олганда тақсимланмаган фойда салмоғининг бу даражада камайиб кетишининг сабаблари сифатида жамият томонидан олиб борилаётган турли хил даражадаги хомийлик ёрдамлари, ишчи-хизматчиларнинг меҳнат фаолиятига қулайликлар яратиб бериш мақсадида қилинган ишлар, ишчиларнинг мароқли дам олиши учун шароитлар яратиб бераётганлиги, жамиятнинг моддий – техник базасини реконструкция қилиш каби ишларга маблағларнинг сарф этилиши, тақсимланмаган фойда маблағлари ҳисобидан захира капиталларини шакллантириш этиб кўрсатишимиз мумкин.

III-боб. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА МАҲСУЛОТЛАРНИ СОТИШ ВА МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.

Ишлаб чиқариш жараёни узига хос узлуксизликка эга бўлиб, ишлаб чиқаришнинг маромийлигини таъминлайди. Маҳсулот ишлаб чиқариш маромийлиги деб маҳсулот ишлаб чиқаришнинг қисқа даврийликда ёки тенг вақтлар оралигида бир хил даражада сакланишига айтилади. Маҳсулотлар ассортименти тахлили уларнинг турлар бўйича узгаришини характерласа, маромийлик даврий, тенг тақсимооти ва уларнинг узгаришини характерлайди.

Ишлаб чиқаришнинг бир маромда ташкил этилиши маҳсулотлар сифатига, технологик жараёнлар ва ишлаб чиқариш сарфларига кучли таъсир этади. Таҳлилда эътибор купрок самарали бошқаришнинг муҳим

жихатларига каратилади. Улар тузилган режа топширикларига катъий амал килиниши, ишлаб чиқаришнинг сменали ташкил этилиши, технологик жараёнларда жорий (таъмир, курик каби) тадбирларнинг амалга оширилишида намоён булади.

Ишлаб чиқариш маромийлиги узаро боғланиш ва меҳнат таксимотидаги корхоналар фаолиятини тугри ҳамда бир текисда йулга қуйишда, шунингдек, барқарорликни таъминлашда муҳим омил ҳисобланади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига нарх даражаси бевосита таъсир курсатади. Бундан ташқари, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига турли омиллар таъсир курсатиб, улардан асосийлари қуйидагилардир:

- хом ашё ва материаллар билан таъминлаш;
- ходимлар миқдори;
- меҳнат самарадорлиги;
- маҳсулот нархларининг узғариши;
- маҳсулот ишлаб чиқариш табиий ҳажмининг узғариши.

Корхонада ишлаб чиқариш дастурида акс эттириладиган маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми амалий фаолликнинг ута муҳим курсаткичларидан биридир. Уз навбатида, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ҳажми ва тузилмаси корхонанинг барча бошқа миқдор ва сифат курсаткичларига, хусусан, маҳсулот сотишдан тушган фойда, асосий фаолиятнинг молиявий натижаларига таъсир курсатади.

Республика иқтисодиётининг бозор муносабатларига утиши билан ҳар бир корхона маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмини ва ассортименти мустақил белгилайди.

Муомала сохиасидан фаркли равишда ишлаб чиқариш корхоналари уз махсулотини сотадилар. Бунинг учун улар биринчи навбатда бизнес-режаларида ишлаб чиқариш дастурини белгилаб олишлари шарт.

Ишлаб чиқариш дастури бажарилиши тахлилининг асосий вазифаси бизнес-режа курсаткичларининг асослилигини текшириш, уларнинг бажарилишига баҳо бериш, ушбу натижаларга турли омилларнинг таъсирини аниклаш, ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш учун ички имкониятларни излаб топишдан иборат.

Корпоратив бошқарув тизимида мос келувчи бизнес-жараённи ифодаловчи ҳар бир жараён – ҳарид, ишлаб чиқариш ва сотувни режалаштириш, пул маблағларини бошқариш, ҳаражатларни ҳисоб-китоб қилиш бухгалтерия ва бошқарув ҳисоби регистрларида тўпланадиган таҳлилий ахборотдан фойдаланиш нуқтаи назаридан кўриб чиқилган. Хусусан, кутилаётган даврда режалаштирилган ишлаб чиқариш ҳажмини (табиий ифодада) қуйидаги формула бўйича режалаштирилган минимал ва максимал ишлаб чиқариш ҳажми ўртасидаги ўртача арифметик кўрсаткич сифатида ҳисоблаб чиқиш таклиф этилган:

$$\text{ПГП} = (\text{ПГП}_{\min} + \text{ПГП}_{\max}) / 2 \quad (1)$$

бу ерда тайёр махсулотнинг режалаштирилган минимал ва максимал ишлаб чиқариш ҳажми (ПГП) қуйидаги тарзда ҳисоб-китоб қилинади:

$$\text{ПГП}_{\min} = \text{Max}(0, \text{СГП}_{\min} - \text{СКД}(2810) + \text{КО}(2810)) \quad (1a)$$

$$\text{ПГП}_{\max} = \text{Max}(0, \text{СГП}_{\max} - \text{СКД}(2810) + \text{КО}(2810)) \quad (1b)$$

Бу ерда,

-Max (қиймат 1, қиймат 2) – 1 ва 2 қийматдан максимум функцияси

-СГП min - СГП max - тайёр маҳсулот қолдиқ меъёри

-ПППmin – белгиланган даврда тайёр маҳсулот меъёрий қолдиқ захираларини тўлдиришни таъминловчи маҳсулот ишлаб чиқариш минимал ҳажми;

-ПППmax – маҳсулот ишлаб чиқариш максимал ҳажми, бундан ортиқча ишлаб чиқариш тайёр маҳсулот меъёридан ортиқча захираларининг пайдо бўлишига олиб келиши мумкин;

-СКД(2810) – 2810 «Омборхонадаги тайёр маҳсулот» смети бўйича якуний дебиторлик сальдоси миқдори;

-КО(2810) – 2810 «Омборхонадаги тайёр маҳсулот» смети бўйича режалаштрилаётган даврдан ўтган давридаги кредиторлик айланмаси миқдори.

Ишлаб чиқариш режаси ҳисоб-китоб натижалари бўйича молиявий жавобгарлик марказлари (МЖМ) ва бошқарув ҳисоби сметлари бўйича проводка(ўтказма)лар шакллантирилади.

021«Маҳсулот ишлаб чиқариш» балансдан ташқари смети дебети бўйича миқдорий ва пул ифодасида кутилаётган даврда маҳсулот чиқариш режасининг лойиҳаси шакллантирилади, 020 «Маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи» балансдан ташқари смети кредити бўйича режадаги таннархни шакллантириш ва харажатларни ҳисоб-китоб қилишда аниқлаштирилган харажатлар моддалари бўйича тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш режалаштирилган ҳажми шакллантирилади. Молиявий жавобгарлик марказлари бўйича аналитика қайси бўлинма қандай ҳажмда ишлаб чиқариш режасини ижро этишда иштирок этишининг режалаштирилганини кўрсатади. Шундай қилиб, бухгалтерлик сметлар режаси бошқарув ҳисоби учун асос бўлиши керак, ва шунингдек, таклиф этилаётган балансдан ташқари бўлган

бошқарув ҳисобларда менежерлар томонидан қарарлар қабул қилиш учун маълумот тўпланиши зарур.

Баъзи ҳисобот курсаткичларининг дастурдан четга чиқишлари сабабларини батафсил аниқлаш мақсадида тезкор ҳисобот, ҳисоб-китоб регистрлари ва бирламчи ҳисоб-китоб маълумотларидан фойдаланилади.

Зарурат тугилиб, агар мазкур корхона иши бир типдаги корхоналар иши билан қиёсий таҳлил қилинаётган бўлса, бошқа корхоналар материаллари ҳам қулланилади.

Ана шу барча манбалар бир-бирини тулдириб келганлиги сабабли улардан комплекс равишда фойдаланиш лозим.

Бирок у ёки бу ҳисобот курсаткичларидан фойдаланишдан аввал уларнинг ишончлилигини, товар маҳсулотини баҳолашнинг тугрилигини, турли ҳисоботчилик шакллари маълумотларининг узаро боғлиқлигини текшириб қуриш шарт.

Ҳисобот тузишдаги хато ва камчиликлар аниқланганида биринчи навбатда уларнинг бартараф қилинишини талаб қилиш зарур. Шундан сунг ишлаб чиқариш курсаткичлари таҳлиliga киришилади.

Маҳсулот сотилиши таҳлилининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- маҳсулот сотиш режасининг бажарилишини аниқлаш;
- бир неча йилда маҳсулот сотиш динамикасини аниқлаш;
- сотилаётган маҳсулот тузилиши ва ассортиментини урганиш;
- сотилган маҳсулот ҳажми ва тузилмасига таъсир курсатадиган омилларни урганиш;

- ушбу омилларни урганиш;
- махсулот сотилиши хажми ва тузилмасининг даромад суммасига ва рентабелликка таъсирини аниклаш;
- махсулот сотилиши хажмини ошириш буйича тавсияномалар ишлаб чиқиш.

Тахлил сотишдан амалда тушган даромадни режа ва утган йил натижаси билан таккослашдан бошланади. Маълумотлар 2-«Молиявий натижалар тугрисидаги хисобот» шаклидаги молиявий хисоботлардан олиниб, 010 ва 050 сатрларида махсулот сотишдан тушган фойда ва сотишдан тушган соф фойда суммаси курсатилади.